

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**НАСУЛЛАЕВ ХИКМАТУЛЛО АБДУЛАЗИЗОВИЧ**

**NiMo VA NiMoW КАТАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ  
ХОССАЛАРИГА ТАШУВЧИЛАРНИ ТИТАН ДИОКСИД БИЛАН  
МОДИФИКАЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по химическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical sciences**

<b>Насуллаев Хикматулло Абдулазизович</b> NiMo ва NiMoW катализаторларининг физик-кимёвий хоссаларига ташувчиларни титан диоксид билан модификациялаш усулларининг таъсири . . . . .	3
<b>Насуллаев Хикматулло Абдулазизович</b> Влияние способов модифицирования носителей диоксидом титана на физико-химические свойства NiMo и NiMoW катализаторов . . . . .	19
<b>Nasullaev Khikmatullo</b> The influence of methods of modification of carriers by titanium dioxide on the physicochemical properties of NiMo and NiMoW catalysts . . . . .	35
<b>Эълон қилинган нашрлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works . . . . .	38

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**НАСУЛЛАЕВ ХИКМАТУЛЛО АБДУЛАЗИЗОВИЧ**

**NiMo VA NiMoW КАТАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ  
ХОССАЛАРИГА ТАШУВЧИЛАРНИ ТИТАН ДИОКСИД БИЛАН  
МОДИФИКАЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

**02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/K61 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юнусов Мираҳмад Пўлатович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Раҳмонбердиев Гаппор Раҳмонбердиевич</b> кимё фанлари доктори, профессор <b>Рўзимуродов Олим Нарбекович</b> кимё фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Умумий ва ноорганик кимё институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (998 71) 227-12-24, факс: (+998 24) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+998 24) 246-53-21, 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.Т. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

**М.Г. Муҳамедиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда қайта ишланаётган нефть ҳажми йилига 4,2 млрд. тоннадан зиёдни ташкил этади. Қайта ишланадиган умумий нефть ҳажмининг 46% гидротозалаш жараёнлар улушига тўғри келиб, шунга мос равишда дунёда гидротозалаш катализаторларига бўлган эҳтиёж йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу сабабли нефть маҳсулотларини гидрирлаш жараёнлари учун янги, самарадор никелмолибденли катализаторлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини тадқиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Дунёда янги физик-кимёвий усулларни қўллаган ҳолда углеводород фракцияларини гидроишлов бериш катализаторлари синтезининг назарий асосларини яратишга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Айниқса оксид ва сульфидланган шаклдаги  $CoMo$  ва  $NiMo$  катализаторларнинг фазавий таркиби, фаол марказларининг структурасининг шаклланиш қонуниятларига ва полиароматик бирикмаларни гидрирлаш катализаторлари таркибидаги  $Mo$  ни  $W$  га тўлиқ ёки қисман алмаштириш, шунингдек қатор модификаторларни қўллаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилган.

Республикамизда нефтни қайта ишлаш тармоғида ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан биргаликда технологик жараёнларни такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда «Максам-Чирчиқ», «Навоийазот» ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи (НҚЗ) каби корхоналарда ҳозирданок 1400 тоннадан ортиқ маҳаллий катализаторлар ишлатилмоқда. Натижада ҳар йили 10 млн. доллардан ортиқ ҳажмдаги валюта захираларини тежаш таъминланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Шу сабабли мой ва керосин фракцияларини гидрирлаш катализаторини янги маҳаллий ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом-ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3479-сон, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4265-сон Қарорлари ва шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий олимлар томонидан нефть фракцияларини гидрирлаш бўйича катализаторларни олиш технологиясини яратиш бўйича тизимли тадқиқотлар ўтказилган. Улар томонидан янги физик-кимёвий усулларни қўллаб углеводород фракцияларини гидроқайта ишлов бериш катализаторларини синтез қилишнинг назарий асосларига алоҳида эътибор қаратилади. А.Н.Старцев, Н.Н.Томина, А.А.Пимерзин, А.В.Пашигрева, О.В.Климов, Г.Д.Чукин, С. Bianchini, Н. Topsoe, J. Bergwerff, М.А. Ahmed, К. Segawa, S. K. Maity, J. Ramirez, R. G. Leliveld, В. Pawelec, М. Absi-Halabi, Н. Nava каби хорижий олимлар томонидан ушбу йўналишда қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамизда ушбу йўналишда С.М.Туробжонов, Ш.М. Сайдахмедов, Ш.Б.Джалалова, А.Дадахаджаев, Б.Э.Шерматов, М.Ф.Абидова каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, улар самарали ташувчилар ва улар асосида полиароматик бирикмаларни гидрирлаш учун оралик металллар сақлаган кўп компонентли катализаторлар яратиш муаммоларини ечишда катта ҳисса қўшишган. Аммо кўп компонентли ташувчилар, полиароматик углеводородларни нисбатан юмшоқ эксплуатацион шароитларда гидрирлашга йўналтирилган титан диоксиди ва Ni-Mo-W билан модификацияланган катализаторларни шакллантириш масалалари очиклигича қолмоқда.

Бугунги кунда, катализаторлар таркибига титан диоксидини киритиш усулларининг ташувчилар текстураси, сирт хоссалари ва вольфрам сақловчи катализаторларнинг оралик металллар ионлари билан структураларининг қайтарувчанлигига таъсирига бағишланган тадқиқотлар алоҳида илмий муҳим аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А13-022 «Эксплуатацион ва экологик хоссалари яхшиланган авиакеросин ишлаб чиқариш учун керосин фракциясини гидротозалаш технологиясини яратиш» (2012-2014 йй.) ва Ф-7-012 «Оралик металллар ионларининг модель тизимлари ва улар асосидаги нанокатализаторлар структураси ва сирт марказларининг шаклланиш қонуниятлари» (2012-2016 йй.) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** NiMo ва NiMoW катализаторларининг ташувчиларини титан диоксид билан модификациялаш усулларининг физик-кимёвий хоссаларига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли усуллар билан титан диоксид ёрдамида модификациялаш жараёнида алюмооксидли ва алюмокаолинли ташувчиларининг физик-кимёвий таъсирлари генезисини аниқлаш;

титансақловчи ташувчиларда Ni-Mo, Ni-Mo-W, Ni-W ва Co-Mo бирикмаларининг шаклланиш хусусиятларини ва сирт хоссаларининг оралиқ металллар ионлари билан структураларининг спектрал хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

ташувчини синтез қилиш босқичида катализаторларни модификациялаш ҳамда фосфат кислотасинининг биргаликдаги шимдириш эритмаларини барқарорлаштирувчи вазифасига урғу берган ҳолда текстура ва спектрал таъсирларни тадқиқ қилиш натижалари асосида гидрирловчи элементларни киритишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;

оралиқ металллар ионлари структураларининг қайтарилиш оралиқлари билан синтез қилинган катализаторларда полиароматик бирикмаларни гидрирлаш даражаси ва турли углеводород хомашёсини гидроқайта ишлаш жараёнида десульфурланиш реакцияларидаги фаоллик ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

ёнилғи ва мой углеводород фракцияларини деароматизациялаш учун оптимал катализаторларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва техник хужжатларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** синтез қилинган ташувчилар ва гидродеароматизациялаш катализаторларининг турли намуналари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** фазавий таркиб, ғовақлар тақсимоти, оралиқ металллар ионларини сақлаган бирикмаларнинг координацион ҳолати, уларнинг дисперслиги ва водород таъсирида қайтарилиш хусусиятлари ҳисобланади

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида замонавий рентгенофазавий ва электрон-зондлаш, фотоколориметрия, термодастурланган қайтарилиш (ТДҚ), инфрақизил, комбинацион тарқалиш (Раман-спектроскопия) ва электрон спектроскопия ва бошқа физик-кимёвий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор алюмокаолинборатли ташувчининг сиртида титан диоксидини молекуляр қатламлаш жараёнида бир жинсли гидроксил қопламли Ti-OH гуруҳларнинг шаклланиши исботланган;

полиароматик углеводородлар (ПАУ)ни чуқур деароматизациялаш реакцияларида биргаликда экструзиялаш усули билан олинган максимал миқдорда  $Mo_7O_{24}^{6-}$ ,  $Mo_8O_{26}^{4-}$  ва  $W_7O_{24}^{6-}$  ҳажмдор структуралар сақлаган катализаторларнинг потенциал фаолликни намоён қилиши исботланган;

алюмокаолинборатли ташувчини титан диоксиди билан паст температурали ораликда модификациялашда қайтарувчи марказларнинг концентрацияси ва гидрирлаш фаоллигининг ортиши аниқланган;

керосинни паст водород босимида деароматизациялашда самарали бўлган текстуравий характеристикалари яхшиланган янги Ti-сақлаган Ni(4)Mo(12.4)P(2)/АКБТ-4 катализатори яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ғовакли структуранинг ҳосил бўлиши, оралик металлар координацион ҳолати, синтез қилинган намуналарнинг фаоллиги ва барқарорлиги бўйича Фарғона НКЗнинг амалдаги қурилмасида негиз мойлар сифатини яхшилаш учун энг тижоратбоп Ni(4.8)Mo(16.5)P(0.8)/АКБ-1 катализатори эканлиги аниқланди;

углеводород хомашёсининг хусусиятлари ва гидроишлов бериш жараёнларининг мавжуд қурилмавий жиҳозланишини ҳисобга олган ҳолда, водороднинг паст босимида самарали бўлган Ni(4)Mo(12.4)P(2)/АКБТ-4 ва юқори олтингургуртли хомашёни чуқур деароматизациялаш учун Ni(5)Mo(15)W(8)P(2.5)/АКТВ-2 катализаторлари таклиф этилди;

Фарғона НКЗнинг амалдаги қурилмасида ёнилғи ва мой углеводород фракцияларини деароматизациялаш учун оптимал катализаторларини ишлаб чиқариш технологияси яратилди ва техник ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий физик-кимёвий усуллар мажмуидан фойдаланилганлиги, тажриба маълумотларининг яхши тақдорланувчанлиги ва яратилган катализаторларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти деароматизациялаш жараёнида фаол бўлган ҳажмдор Ni-Mo, Ni-Mo-W ва Ni-W структураларни шакллантириш учун мос келувчи текстурали алюмокаолинборатли ва титансақлаган ташувчиларни олиш технологиясининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёдан максимал даражада фойдаланган ҳолда самарали, импорт ўрнини босувчи деароматизациялаш катализаторларини олиш технологиясининг яратилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Титан оксидини молекуляр қатламлаш ва маҳаллий ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида оптимал титансақловчи катализаторларни синтез қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида

нефт фракцияларини гидротозалаш катализаторлари ва уни тайёрлаш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (IAP05423 01.06.2017йил). Натижада импорт ўрнини босувчи арзон маҳаллий гидрирлаш катализаторларини ишлаб чиқариш имконини берган;

Фарғона НКЗ Г-24 мойларни гидротозалаш қурилмаси реакторида қўлланиладиган «АНМ-2/3» катализатори учун ишлаб чиқилган техник

шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан рўйхатга олинган (TSh 19.03-008:2008). Натижада мойларни гидрожараёни учун янги катализатор яратиш имконини берган;

Фарғона НКЗ Г-24 мойни гидротозалаш қурилмаси реакторига «АНМ-2/3» шифр остида Ni(4.8)Mo(16.5)P(0.8)/АКБ-1 катализатори жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АО нинг 23.10.2019 йилдаги 02/17-5-207-сон маълумотномаси). Натижада қовушқоқлик, олтингугурт миқдори, ранг каби хусусиятларини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, шу жумладан 9 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та ЎЗР патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга жорий қилиш истиқболи борасида хулосалар чиқарилган ҳамда чоп этирилган ишлар ва диссертациянинг таркиби тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Гидрирлаш катализаторларининг синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида юқори гидрирлаш функциясига эга бўлган сульфидли катализаторларни синтез қилиш жараёнида фаол структураларни шакллантириш бўйича адабиёт манбалари кўриб чиқилган. Водороднинг юқори босимида оғир нефт фракцияларини қайта ишлаш жараёнида Ni-W ва Ni-W-Mo катализаторларининг истиқболли эканлиги кўрсатиб берилган. Алюмооксидли, алюмосиликатли, алюмотитанли ва бошқа ташувчиларга оралиқ металллар бирикмалари сингдирилаётганда ноорганик ва органик комплекс ҳосил қилувчиларни қўллашнинг ижобий самара бериши аниқланди.

Турли углеводород фракциялари таркибидаги ароматик бирикмаларни водороднинг паст босимида гидрирлашда кўп компонентли

каттализаторларнинг синтезини физик-кимёвий тадқиқ этиш бўйича адабиётлар сонининг чекланганини эътиборга олган ҳолда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Диссертациянинг «Ташувчиларни синтези ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганишда тадқиқот объекти ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида синтез қилинган бир нечта: Шўртан газ-кимё комбинати (ГКК)нинг ишлатилган адсорбенти қўшилган алюмооксидли (ОА), алюмотитанли (ОАТ), шу жумладан каолинсақлаган (ОАКТ) ва бор кислотаси билан модификацияланган (АКБ, АКБТ) ташувчилар сериясининг фазавий таркиби ва сирт хоссаларини тадқиқ этиш натижалари кўриб чиқилган.

Ташувчиларни тайёрлаш учун қолиплаш массасига Шўртан ГККнинг ишлатилган адсорбентини қўшиш ташувчиларнинг текстураси ва мустаҳкамлигини (P) бошқариш имконини беради (1-жадвал). Бунда 7-10 нм ва 50-100 нм ли ғоваклар шаклланади. Ташувчиларни 25 %ли  $TiO_2$  (ОАТ-1 ва АКБТ-1 ташувчилар) ёки  $TiCl_4$  ни NaOH эритмаси билан биргаликда чўктириш орқали олинган гидратланган титан диоксид билан модификациялаш сирт юзасининг ва мезоғоваклар радиусининг яққол камайиши билан боради.

$TiO_2$  ни молекуляр қатламлаш технологияси дастлабки ОА ва АКБ лардаги юқори солиштирма сиртни сақлаб қолиш, шунингдек модификацияланган ташувчилар ОАТ-4 ва АКБТ-4 ларда қўшғовакли структурани таъминлашга имкон беради (1-жадвал).

1-жадвал

Титансақловчи ташувчиларнинг физик-кимёвий тавсифлари


Намуна	P; кг/мм	$S_{\text{сол}}$ ; м <sup>2</sup> /г	$V_{\text{ғовак}}$ ; г/см <sup>3</sup>	Ғовак радиуси, нм (ғоваклар ҳажми, г/см <sup>3</sup> )
ОА	1.42	285	0.63	<3.7 ÷ 5.5 (0,39); 10-20 (0,12); 50 ÷ 170(0,09)
ОА-2	2.3	162		7-9 (0.32); 50-140 (0.21); >500 (0.08)
ОААТ	3.8	125	0.56	6.8 ÷ 9.2(0.48); 20-40(0.11); > 100(0.01)
ОАТ-1	4.3	192	0.54	4.2 ÷ 6.5 (0,32); 9-13 (0,10); 80 ÷ 100(0,09)
ОАТ-2	3.3	197	0.48	4.2 ÷ 6.5 (0,32); 9-13 (0,10); 80 ÷ 100(0,09)
ОАТ-3	3.0	207	0.52	4.2 ÷ 6.5 (0,35); 7-14 (0,20); 60 ÷ 90(0,08)
ОАКТ-3	3.5	170	0.64	5.5- 7.2(0.43); 8-12(0.23); 50-80 (0.03)
ОАТ-4	1.5	275	0.60	4 ÷ 6 (0,36); 15-30 (0,14); 60 ÷ 80 (0,06)
АКБ-1	3.3	250		4-5(0.19); 8-10(0.1) 12-20(0.21); >100(0.07)
АКБТ-1	3.95	178	0.45	5.8-6.4(0.33); 35-45(0.12); 120-160(0.07)
АКБТ-2	3,94	191	0.43	5.9-6.3(0.30); 38-43(0.08):100-140(0.02)
АКБТ-3	3.92	192	0.45	6.2-7.8 (0.28); 40-180(0.11)
АКБТ-4	4.15	234	0.54	5.8-8.4(0.34); 50-170(0.16)

Молекуляр қатламлаш жараёнини назорат қилиш спектроскопик усуллар ёрдамида амалга оширилди (1а,б-расм). Яққол ўзгаришлар диффузияли аксланиш электрон спектрлари (ДАЭС)нинг обертои соҳаларида кузатилди. Жараённинг биринчи босқичида молекуляр адсорбцияланган

сувдан 5300 и 7200  $\text{см}^{-1}$  соҳалардаги полосалар обертонларининг деярли тўлиқ йўқолиши 100°Cда қуруқ азотни ўтказиш вақтида дастлабки ташувчининг етарлича самарали сувсизланаётганидан далолат беради.

TiO<sub>2</sub> нинг молекуляр қатламланишини TiCl<sub>4</sub> нинг тўйинган буғларини қуруқ азот оқими билан юбориш орқали амалга оширилди. Бунда унинг сиртидаги гидроксил гуруҳлари билан Ti-Cl боғлар ҳосил қилиш орқали таъсирлашуви кузатилди.

Шунга мос равишда ИҚ-спектрларда 3745-3710  $\text{см}^{-1}$  да О – Н гуруҳлари валент тебранишлари ютилиш полосалари интенсивлиги кескин пасайди, обертон соҳасида эса 4500 и 7300  $\text{см}^{-1}$  даги полосалар деярли тўлиқ йўқолди. Бу эса TiCl<sub>4</sub> нинг турли табиатли гидроксил гуруҳлари: Al–OH, Al–Si–OH ва Al–В–ОН ларда хемосорбцияланишидан далолат беради (1-расм). TiCl<sub>4</sub> нинг реакцияга киришмаган ортиқча қисми қуруқ азот оқими ёрдамида йўқотилди, сўнгра Ti-Cl боғларнинг гидролизланиб TiO<sub>2</sub> моноқатламини ҳосил қилиши учун тўйинган сув буғлари ўтказилди. Ti-Cl боғларнинг гидролизланиши босқичи амалга оширилгач, О – Н гуруҳларга тегишли полосалар интенсивсизроқ бўлса-да, яна аниқ намоён бўлди. Кейинги сув қатламларини қоплаш мақсадида юқорида қайд этилган жараёнлар такрорланди.




1- расм. АКБ-1 сиртида TiCl<sub>4</sub> нинг молекуляр қатламланиши жараёнида ИҚ-спектрларнинг ўзгариши ва ташувчиларнинг диффузияли аксланиш электрон спектрлари (Б)

Олинган АКБТ-4 ташувчисининг электрон спектрлари юқори дисперсли анатазникига ўхшаш чиқди. АКБТ-4 таркибида TiO<sub>2</sub> қатламининг ҳосил бўлиши тўғрисида шунингдек Раман-спектрларида 878  $\text{см}^{-1}$  соҳада полосаларнинг ҳосил бўлиши орқали ҳам хулоса қилдик (1А, Б-расм).

Дастлабки хомашё ва модификациялаш усули билан фарқланадиган тайёр ташувчиларнинг дифрактограммаларини солиштириш алюминий гидроксид, титан диоксид ва каолин орасида чуқур таъсирлашувнинг йўқлигини исботлади. Фақатгина дастлабки бемит ва каолинитда кенг чизикларнинг йўқолиши, шунингдек AlOOH нинг дегидратланиши ва шакл берилган

мунчокларнинг қиздирилиши натижасида  $\gamma$ - $\text{Al}_2\text{O}_3$  фазасининг пайдо бўлиши кайд этилди (2-расм).




1- АКБТ-4, 2- АКБТ-3; 3 – АКБТ-2; 4- ОА-2; 5 – ОАТ-3; 6 – ОАТ-2; 7- ОАТ-4.  
2-расм. Синтез қилинган ташувчиларнинг дифрактограммалари

Дастлабки ташувчиларнинг текстураси ва механик мустаҳкамлиги  $\text{TiO}_2$  ни модификациялашнинг бошқа усуллариغا нисбатан молекуляр қатламланиш жараёнида кам ўзгаради. Фақатгина ғовакларнинг радиус бўйича тақсимоти эгри чизиғида 50-170 нм ли йирик ғовакларнинг юқори ҳажмга эга бўлиши билан биргаликда мезоғоваклар соҳасида максимумнинг 8,5 нм дан 8,3 нм гача сурилиши кузатилади, холос.

Диссертациянинг учинчи боби «**Гидрирлаш катализаторларининг синтези ва физик-кимёвий хоссалари**» деб номланади. Замонавий гидротозалаш катализаторларини синтез қилишда битта молекула барча фаол компонентлар атомларини (Мо ёки W) лигандлар, анъанавий промоторларни (Со ёки Ni) ташқи сферадаги катионлар ёки комплекс ҳосил қилувчилар кўринишида, шунингдек турли модификаторлар (P, Si, B, V, Zn ва бошқа элементлар)ни жамлаган гетерополибирикмалар (ГПБ)дан фойдаланиш долзарб йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган молибден ва вольфрамнинг тижорат бирикмалари ассортиментини эътиборга олган ҳолда, катализаторларни тайёрлашнинг гидрокимёвий босқичида шимдирилувчи эритма билан стабилизатор сифатида фосфат кислотасининг таъсирлашуви натижасида ГПБнинг ҳосил бўлиш варианти кўриб чиқилди. Тайёр ташувчиларга шимдириш учун ёки уларнинг компонентлари билан аралаштириш учун  $\text{pH}=1,3-2,5$  қийматларида  $(\text{NH}_4)_6\text{Mo}_7\text{O}_{24}\cdot 4\text{H}_2\text{O}$  ва ёки  $(\text{NH}_4)_4\text{W}_5\text{O}_{17}\cdot 2,5 \text{H}_2\text{O}$  нинг битта ёки иккита оралиқ металллар нитратлари билан биргаликда олинган барқарор (стабилизатор –  $\text{H}_3\text{PO}_4$ ) шимдириш учун етарли концентрацияли эритмаларидан фойдаланилди. Шимдирилувчи эритмалар буғлатилаётган ва қуритилаётганда  $(\text{NH}_4)_4[\text{Co}(\text{OH})_6\text{Mo}_6\text{O}_{18}]\cdot 5\text{H}_2\text{O}$  ГПБ  $200^\circ\text{C}$  гача,  $(\text{NH}_4)_4[\text{Ni}(\text{OH})_6\text{Mo}_6\text{O}_{18}]\cdot 5\text{H}_2\text{O}$  эса  $350^\circ\text{C}$  гача сақланиши исботланди. Қуритилган модел тизимлар: каолин+ $\text{H}_3\text{PO}_4$ +( $\text{NH}_4$ ) $_4$ Mo $_7$ O $_24$ ·4H $_2$ O ва каолин+ $\text{H}_3\text{PO}_4$ +( $\text{NH}_4$ ) $_6$ W $_7$ O $_24$ ·6H $_2$ O нинг сувли эритмаларининг элемент ва спектрал таҳлили ёрдамида биргаликдаги шимдирилувчи эритмаларнинг

каолин таркибидаги кремнезем билан ўзаро таъсирида Мо-Si-P ва Мо-Si-W ГПБ ҳосил бўлиши аниқланди. Эритмага қайтарувчи сифатида аскорбин кислотаси киритилганда ҳам молибден ва вольфрам кўки кўринишида гетерополибирикмалар ҳосил бўлиши фотоколориметрик усулда ҳам яққол кузатилди. Рентгенография ва спектроскопия усуллари ёрдамида биринчи шимдиришдан сўнг қуритилган ва мунчоқлар четларида Мо ва/ёки W нинг концентрацияси юқорилиги билан фарқланувчи намуналар таркибидаги ГПБнинг парчаланиши аниқланди. Такрорий шимдиришдан сўнг қуритилган катализаторлар таркибида рентгенографик гало кўринишида намоён бўладиган никел ёки кобальтнинг кучсиз кристалланган гидратланган молибдатлари ва/ёки вольфраматлари устунлик қилганига қарамасдан  $Ni^{2+}$  ва  $Co^{2+}$  марказий ионлар билан молибденнинг 6-қатор гетерополибирикмалари аниқланди. Икки марталик шимдириш барча элементларнинг мунчоқ кесими бўйлаб текис тақсимланишини таъминлайди. Яхши эрийдиган бирикма –  $(NH_4)_4W_5O_{17} \cdot 2,5 H_2O$  (Россия) дан фарқли ўлароқ, «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати» ОАЖда ишлаб чиқариладиган аммоний гептавольфрамат –  $(NH_4)_6W_7O_{24} \cdot 6H_2O$  нинг ўзига хослиги унинг сувда, аммиак ва фосфат кислотанинг сувли эритмаларида ёмон эришидир. Шу сабабли  $(NH_4)_6W_7O_{24} \cdot 6H_2O$  кристалларининг ташувчиларнинг (АКТБ серияси) тегишли компонентлари билан биргаликдаги экструзияси амалга оширилди, қолган оралиқ металллар бирикмалари эса биргаликдаги эритмалар билан кейинги икки марталик шимдириш орқали ўтказилди. Фаол элементларнинг мунчоқ кесими бўйлаб нотекис тақсимоти Мо-Si-W ГПБнинг ҳосил бўлиши оқибатида фақатгина кварц доналари кўшилган ҳудудда кузатилди (3-расм).



3-расм.  $(NH_4)_6W_7O_{24} \cdot 6H_2O - Ni(5)Mo(15)W(4)P(2.5)/AKTB-3$  билан биргаликда экструзиялаб олинган катализатор мунчоқларида элементлар тақсимоти


Сирт билан кучсиз боғланган оралиқ металллар бирикмаларини селектив экстракциялаш ва  $NiMo(W)O_4$ , мураккаб полианионлар  $Mo_7O_{24}^{6-}$  ва  $W_7O_{24}^{6-}$  ларни аниқ қайд этувчи комбинацион нур тарқалиш (КНТ) ҳамда (ДАЭС)

спектроскопия усулларининг уйғунлиги ёрдамида биргаликдаги эритмалар билан шимдирилганда молибденнинг VIII гуруҳ оралиқ элементлар билан ҳажмдор бирикмаларининг устунлик қилиши исботланди. Ташувчилар компонентларини  $(\text{NH}_4)_6\text{W}_7\text{O}_{24}\cdot 6\text{H}_2\text{O}$  билан биргаликда экструзиялашда АКТВ серияси катализаторларининг КНТ спектрларида  $\text{MoO}_3$  фазасидан 667, 820, 996  $\text{cm}^{-1}$  ва  $\text{WO}_3$  дан 712-715, 805-807  $\text{cm}^{-1}$  соҳаларда кучсиз сигналларининг пайдо бўлиши қайд этилди.

Диссертациянинг «**Кўп компонентли ташувчилардаги катализаторларнинг таркиби ва тайёрланиш усулининг қайтарувчанлик ва сирт хоссаларига ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш**» деб номланган тўртинчи боби модель тизимлар ва синтез қилинган катализаторларда оралиқ металллар бирикмалари қайтариладиган температура оралиғини ташувчи турига боғлиқ равишда тадқиқ этишга бағишланган.

$\text{Ni}^{2+}$  ва  $\text{Co}^{2+}$  ионлари билан модель тизимлар мисолида ўрганилган барча намуналарда 300-320 $^\circ\text{C}$  оралиқда ҳажмдор оксидли агрегатлар таркибидаги октаэдриқ координациялашган ионларнинг қайтарилишига мос келувчи водороднинг қуйи температурали ютилиш чўққиси мавжудлиги кўрсатилди. VIII гуруҳнинг тегишли металлларининг оксидли қатлами 400 $^\circ\text{C}$  га температурада қайтарилади. Титансақлаган ташувчилар ҳолатида эса термодастурланган қайтарилиш (ТДҚ) эгри чизиқлари профилида 250 $^\circ\text{C}$  да рентгеноаморф титан диоксида (ОАТ-4 ва АКБТ-4 сериялари), 320 $^\circ\text{C}$  да анатаз ва рутилнинг суқилиб кирган заррачаларига хос кучсиз чўққилар кузатилади. Никель ва кобальтнинг шпинель структураларининг қайтарилиши 700 $^\circ\text{C}$  дан юқори температурада қайд этилди (4-расм).

Биметалл катализаторларнинг ТДҚ эгри чизиқларида  $\text{Ni}^{2+}$  ёки  $\text{Co}^{2+}$  ларнинг оксидли агрегатларининг борлигидан далолат берувчи қуйи температурали чўққилар кузатилмади, 350-400 $^\circ\text{C}$  даги ушбу ионларнинг молибдатли структураларидаги ўрта температурали максимумлари эса  $\text{Mo}^{6+} \rightarrow \text{Mo}^{5+}$  қайтарилишида водороднинг ютилиши билан кесишди. Бу жараён 500 $^\circ\text{C}$  да  $\text{Mo}^{5+} \rightarrow \text{Mo}^{4+}$  қайтарилишида чуқурлашди. W-сақлаган катализаторларнинг максимумлари 5-20 $^\circ\text{C}$  га юқори температуралар соҳасига сурилган. Биргаликдаги эритмалар билан шимдириш орқали тайёрланган катализаторларга аралаштириш усулига нисбатан қуйи температурали қайтарилиш жараёнлари кўпроқ хосдир. Аммоний паравольфрамат билан биргаликда экструзиялаш орқали тайёрланган ташувчига никель ва молибден бирикмаларининг биргаликдаги эритмаларини шимдириш катта миқдордаги осон қайтариладиган  $\text{Ni}(5)\text{Mo}(15)\text{W}(4)\text{P}(2.5)/\text{АКТВ-3}$  структураларнинг шаклланишига сабаб бўлади.



4-расм. Синтез қилинган катализаторларнинг ТДҚ эгри чизиқлари

Ўрганилган барча катализаторларнинг оксид шакллари юзасида етарлича кучли Бренстед кислота марказлари, кучли ва кучсиз оксидловчи марказлар, шунингдек маълум миқдордаги қайтаралиш марказларининг мавжудлиги аниқланди. Водородда қайтарилишда кучсиз ва кучли қайтарилиш марказларининг миқдори ўнлаб марта ошиб, кислота ва оксидловчи марказлари эса амалда деярли йўқолади.

Диссертациянинг «Синтез қилинган катализаторларнинг фаоллигини тадқиқ этиш» деб номланган бешинчи бобида модель полиароматик углеводородлар (ПАУ) ва реал углеводород фракцияларининг автоклав ва юқори босимли синов қурилмалари шароитида турли

катализаторлар иштирокида айланиш даражасини аниқлаш натижалари келтирилган (2- ва 3-жадваллар).

300-500<sup>0</sup>С ораликда катализаторни қайтаришга сарфланадиган водород миқдорини (G\*) эътиборга олганда ДҚ эгри чизикларида (T\*) айнан бир хил таркибли хомашё ва каталитик жараён шароитларида биринчи температура максимуми ва ПАУни гидрирлаш даражаси орасида деярли аниқ боғлиқлик борлиги аниқланди. Айнан шу оралик гидрирлашда никелнинг ҳажмдор молибдатлардаги  $NiMoO_4 \rightarrow Ni^0 + MoO_2 + H_2O$  йиғинди реакция бўйича қайтарилиш жараёнлари кечишида нисбатан фаол структуралар – юза билан кучсиз боғланган полимерланган октаэдрик координацияланган заррачалар, яъни дифрактограммаларда сезилмайдиган кичик кластерларни миқдоран акс эттиради.

2-жадвал

Катализаторни синтезлаш усули ва таркибининг 302<sup>0</sup>С температурада кerosинни деароматизациялаш жараёнига таъсири ва ТДҚ кўрсаткичлари

Катализаторлар ↓ Водород босими → Дастлабки хомашё →	Гидрогенизатдаги миқдори; %						T*, °C	G*, Ммоль H <sub>2</sub> /г
	3.0 МПа		4.5 МПа		6 МПа			
	Олтингу гурт	ПАУ	Олтингу гурт	ПАУ	Олтингу гурт	ПАУ		
	0.25	16.8	0.25	16.8	0.25	16.8		
Ni(5.6)Mo(21.5)P(7.1)/АКБ-5	0.142	16.8	0.087	13.6	0.053	13.6	450	1.22
Ni(4)Mo(12) P(2)/АКБТ-2			0.085	13.5	0.032	11.8	440	1.09
Ni(1.68)Co(4.2)Mo(17.9)P(4.7)/ГОА+К(10)	0.146	16.8	0.083	13.4	0.022	9.84	435	1.18
Ni(3.8)Mo(12.1) P(2.2) /АКБТ-3			0.072	11.3	0.025	10.3	430	1.25
Ni(2.9)Mo(15) W(13) P(4)/АКТВ-1	0.145	16.0	0.052	10.4	0.015	5.83	430	1.75
Ni(6)Mo(18) P(3)/ОА-2			0.054	7.8	0.016	6.09	425	2.06
<b>Ni(5)Mo(15) W(8) P(2.5)/АКТВ-2</b>	0.138	15.7	0.045	7.3	0.019	4.45	418	2.02
Ni(4.5)Mo(16.8)P(3.7)/АКБ-1	0.130	15.6	0.056	8.0	0.020	5.74	415	1.92
Ni(6)Mo(18)P(3.9)/АК-2	0.125	15.2	0.054	7.8	0.018	5.46	410	1.96
Ni(5)Mo(15)W(3) P(4.5)/ОА-2			0.060	10.5	0.013	5.11	405	1.93
Ni(4)Mo(12.4)P(2)/АКБТ-4			0.053	7.7	0.015	5.03	400	1.95
<b>Ni(5)Mo(15) W(4) P(2.5)/АКТВ-3</b>	0.127	15.4	<b>0.041</b>	<b>7.0</b>	<b>0.010</b>	<b>4.15</b>	400	2.07
<b>Ni(4.8)Mo(16.5) P(0.8)/АКБ-1</b>	<b>0.123</b>	<b>15.0</b>	0.048	7.4	0.014	4.70	400	2.12

Ўзига хослиги шундаки, фосфорнинг миқдори ошиши билан ТДҚ эгри чизиклари профили ўзгаради – юқори температурали соҳага 20-30 даражага сурилиш кузатилади, қайтарилишнинг биринчи интенсивлик чўққиси камаяди ва гидрогенолиз реакцияларида фаоллик пасаяди.

Умумий ғоваклар ҳажмида 7-10 нм ўлчамли ғовакларнинг улуши ортиб ортиши баробарида катализаторларнинг барқарорлиги ошиши аниқланди. Водороднинг паст босимида энг яхши барқарорлик титан диоксид ва минимал фосфор сақлаган Ni(4.8)Mo(16.5)P(0.8)/АКБ-1 нинг молекуляр қатламланиш технологияси бўйича тайёрланган қуйи фоизли Ni(4)Mo(12.4)P(2)/АКБТ-4 катализаторида эришилди. Полиароматик бирикмаларни гидрирлаш мақсадли жараён бўлганда ПАУни гидрирлаш ва

активсизланишга барқарорлик борасида йирик ғоваклар улуши умумий ғоваклар ҳажмининг 40 %дан ортиғини ташкил этувчи никельвольфрам-сақлаган катализаторлар турининг афзаллиги олдинги ўринга чиқди. Синтез қилинган намуналарнинг каталитик хоссаларини бир хил хомашё (керосин ёки вакуумда ҳайдашнинг деасфальтизацияланган қолдиғи)да аниқлаш оралиқ металллар ионлари шимдирилган намуналарда ПАУни гидрирлаш даражаси билан қайтарилиш марказлари концентрацияси орасида қониқарли боғлиқлик борлигини кўрсатди.

3-жадвал

Катализаторни синтезлаш усули ва таркибининг қовушқоқ углеводород фракцияларини гидроишлов бериш жараёнига таъсири

Катализаторлар ↓	Гидрогенизатдаги микдори, %							
	3.0 МПа;		4-4.5 МПа;		7-8 МПа			
Водород босими →	Деасфальтизат; 320 <sup>0</sup> С				Сланецли дистиллят; 400 <sup>0</sup> С			
Дастлабки хомашё →	Олтин-гугурт	ПАУ	Олтин-гугурт	ПАУ	Олтин-гугурт	ПАУ	Азот	Кис-лород
		1.32	32.4	1.32	32.4	2.24	52.3	1.53
Ni(5.6)Mo(21.5)P(7.1)/АКБ-5	0.90	32.4	0.367	27.8	Аниқланмаган			
Ni(3.8)Mo(12.1)P(2.2)/АКБТ-3			0.373	26.8	1.28	37.2	0.74	0.29
Ni(2.9)Mo(15)W(13)P(4)/АКТВ-1	0.93	32.1	Аниқланмаган					
Ni(4.5)Mo(16.8)P(3.7)/АКБ-1	0.86	31.8	0.358	26.7				
Ni(4)Mo(12.4)P(2)/АКБТ-4			0.370	26.2	1.28	37.0	0.72	0.23
Ni(5)Mo(15)W(8)P(2.5)/АКТВ-2	0.92	31.7	0.357	25.3	Аниқланмаган			
<b>Ni(5)Mo(15)W(4)P(2.5)/АКТВ-3</b>	<b>0.87</b>	<b>30,5</b>	<b>0.367</b>	<b>25.3</b>	<b>1.03</b>	<b>35.8</b>	<b>0.32</b>	<b>0.08</b>
<b>Ni(4.8)Mo(16.5)P(0.8)/АКБ-1</b>	<b>0.84</b>	<b>30.3</b>	<b>0.340</b>	<b>25.5</b>	<b>1.17</b>	<b>36.6</b>	<b>0.40</b>	<b>0.18</b>

Оптимал Ni(4.8)Mo(16.5)P(0.8)/АКБ-1 катализаторини ишлаб чиқариш технологияси (Фарғона НКЗ ишлаб турган қурилмаси учун) Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти саноат ускунасида йўлга қўйилди ва синов партияси ишлаб чиқилди. Маҳсулотнинг физик-кимёвий тавсифлари лаборатория намуналари ва тасдиқланган техник шартларга тўла мос келди.

Маҳаллий хомашё максимал даражада фойдаланилган Ni(4.8)Mo(16.5)P(0.8)/АКБ-1 катализаторининг синов партияси Фарғона НКЗ Г-24 гидротозалаш қурилмаси саноат реакторининг қуйи қисмига юкланди ва ҳозиргача ишлатиб келинмоқда. Корхона стандартларига мувофиқ гидрогенизатнинг асосий физик-кимёвий тавсифлари негиз мойларни ишлаб чиқариш кўрсаткичлари талабларига тўла мос келади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ташувчиларни тайёрлаш жараёнида қолиплаш массасига Шўртан ГККнинг ишлатилган адсорбентини қўшиш ташувчиларнинг текстураси ва мустақкамлигини бошқариш имконини бериши тавсия этилади.

2. Кўп компонентли АКБТ-4 ташувчиси сиртида  $TiCl_4$  буғларини сингдириш, физикавий адсорбцияланган  $TiCl_4$  ни йўқотиш ва гидратацияда  $Cl^-$  ионларини  $OH^-$  ионларига алмашилиш жараёнларини навбатлаш орқали бир жинсли рентгеноаморф титан оксиди қатламини шакллантириш механизми тавсия этилади.

3. Умумий ғоваклар ҳажмида 7-10 нм ли ғоваклар улушининг ошиши билан катализаторнинг барқарорлигини ортиши аниқланади. Паст водород босимида юқори барқарорлик минимал фосфор сақлаган  $Ni(4.8)Mo(16.5)P(0.8)/AKB-1$  ва титан диоксидни молекуляр қатламлаш технологияси бўйича тайёрланган кам фоизли  $Ni(4)Mo(12.4)P(2)/AKB-4$  катализаторларида эришилади.

4. Физик-кимёвий таҳлил усуллари мажмуи ёрдамида алюмотитан ва алюмокаолинтитанли ташувчиларнинг структурасининг шаклланиши ва сирт хоссаларини уларни тайёрлаш усулларига боғлиқлиги кўрсатилади.

5. Кетма-кет молекуляр қатламланишда дастлабки модификацияланмаган ташувчиларнинг текстурасини сақлаб қолган ҳолда рентгеноаморф титан оксиди қатламининг максимал сирт юзасига эга бўлишига эришиш мумкинлиги кўрсатилади.

6. Ташувчиларнинг спектрал тавсифлари генезиси асосида синтез ва  $TiCl_4$  буғларини кимёвий чўктириш орқали молекуляр қатламлаш жараёнида  $Ti^{4+}$  ионларининг турли табиатли:  $Al-OH$ ,  $Al-Si-OH$  ва  $Al-B-OH$  ташувчилар сиртидаги гидроксил гуруҳлари билан таъсирлашиши кўрсатилади.

7. Кўп компонентли катализаторлар таркибига титан ва гидрирловчи металлларни киритиш усули билан термодастурланган қайтарилиш эгри чизикларидаги биринчи максимум ҳолати ва полиароматик углеводородларни гидрирлаш даражаси орасида боғлиқлик борлиги аниқланади.

8. Маҳаллий хомашёдан максимал фойдаланиб тайёрланган  $Ni(4.8)Mo(16.5)P(0.8)/AKB-1$  катализатори мисолида янги катализаторларнинг истиқболли эканлиги ва Фарғона НКЗ Г-24 мойни гидротозалаш қурилмаси реакторида мойларни ишлаб чиқариш талабларига тўла мос келиши исботланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.27.06.2017.К.01.03 ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ  
ХИМИКО-ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**НАСУЛЛАЕВ ХИКМАТУЛЛО АБДУЛАЗИЗОВИЧ**

**ВЛИЯНИЕ СПОСОБОВ МОДИФИЦИРОВАНИЯ НОСИТЕЛЕЙ  
ДИОКСИДОМ ТИТАНА НА ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА  
NiMo И NiMoW КАТАЛИЗАТОРОВ**

02.00.04– Физическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/К61.**

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском химико-фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ik-kimyo.nuuz.uz](http://www.ik-kimyo.nuuz.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Юнусов Мирахмад Пулатович</b> доктор технических наук, проф.
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Рахмонбердиев Гаппор Рахмонбердиевич</b> доктор химических наук, профессор <b>Рузимуродов Олим Нарбекович</b> доктор химических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Институт общей и неорганической химии</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019г. в \_\_\_\_ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №\_\_\_\_). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24.)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Х.Т. Шарипов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.х.н., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Ученый секретарь Научного  
совета по присуждению  
ученых степеней, д.х.н.

**М.Г. Мухамедиев**  
Председатель Научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире объём перерабатываемой нефти составляет более 4,2 млрд. тонн в год. Из них на долю процессов гидроочистки приходится 46% от общего объёма переработки нефти, соответственно потребность в катализаторах гидроочистки в мире из года в год растёт. В связи с этим, разработка технологии получения новых, более эффективных никельмолибденовых катализаторов для процесса гидрирования нефтепродуктов и исследование их эксплуатационных показателей имеет большое значение.

В мире растёт потребность в разработке теоретических основ синтеза катализаторов гидрообработки углеводородных фракций с применением новейших физико-химических методов. Учеными выявлены закономерности формирования фазового состава, структуры активных центров CoMo и NiMo катализаторов в оксидной и сульфидированной форме. Получен положительный эффект от частичной или полной замены Mo на W в составе катализаторов гидрирования полиароматических соединений, а также применения ряда модификаторов.

В нашей республике достигнуты определенные успехи в реконструкции производства, усовершенствовании технологических процессов с выпуском новой продукции в нефтеперерабатывающей отрасли. В настоящее время свыше 1400 тонн отечественных катализаторов уже используется на таких предприятиях, как «Максам-Чирчик», «Навоиазот» и Ферганский нефтеперерабатывающий завод (НПЗ). В результате обеспечена экономия валютных средств в размере более 10 млн. долларов ежегодно. Однако, разработке отечественных катализаторов на основе местного сырья уделяется недостаточно внимания. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> намечены важные задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». В этой связи разработка новой отечественной технологии производства катализатора гидрирования масляной и керосиновой фракции имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе и постановлении Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП-3983 от 25 октября «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», УП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

**Степень изученности проблемы.** Зарубежными учеными проведены систематические исследования по разработке технологии получения катализаторов для гидрирования нефтяных фракций. Ими особое внимание уделено теоретическим основам синтеза катализаторов гидрообработки углеводородных фракций с применением новейших физико-химических методов. Зарубежными учеными, как Старцев А.Н., Томина Н.Н., Пимерзин А.А., Пашигрева А.В., Климов О.В., Чукин Г.Д., Bianchini C., Topsoe H., Bergwerff J., Ahmed M.A., Segawa K., Maity S.K., Ramirez J., Leliveld R.G., Pawelec B., Absi-Halabi M., Nava H. и др. проведены ряд фундаментальных исследований в данном направлении.

В нашей стране в этом направлении осуществлены исследования такими учеными, как Юнусов М.П., Туробжонов С.М., Сайдахмедов Ш.М., Джалалова Ш.Б., Дадахаджаев А., Шерматов Б.Э., Абидова М.Ф. которые внесли большой вклад в решение проблем по созданию эффективных носителей и каталитических систем на их основе, содержащих переходных металлов, для гидрирования полиароматических соединений. Однако многие вопросы формирования многокомпонентных носителей, модифицированных диоксидом титана и Ni-Mo-W катализаторов, ориентированных на гидрирование полиароматических углеводородов в сравнительно мягких условиях эксплуатации, остаются открытыми.

На сегодняшний день исследования, посвященные влиянию способов введения диоксида титана в катализаторы на текстуру, поверхностные свойства носителей и восстанавливаемость структур с ионами переходных металлов вольфрамсодержащих катализаторов, представляют особенно важный научный интерес.

